

АЗМУ ШИЖОАТЛИ ЁШЛАРИМИЗНИНГ ЗАМОНАВИЙ БИЛИМЛАРНИ ЭГАЛЛАБ ЭРИШАЁТГАН МУВАФФАҚИЯТЛАРИ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН КЕЛАЖАГИГА ТАЯНЧ

30 июнь куни мамлакатимизда Ёшлар куни кенг нишонланди. Асосий байрам тадбирлари Тошкентдаги Халқаро конгресс марказида бўлиб ўтди.



Ўзбекистон ёшларини табриклаш ва қўллаб-қувватлаш учун бу ерга Президент Шавкат Мирзиёев ташриф буюрди. Конгресс марказига кираверишда ёшларнинг турли соҳалардаги лойиҳалари, кашфиёт ва ютуқлари тақдимот қилинди. Масалан, “Ёш инноваторлар” кўргазмасида муҳандислик, рақамли технологиялар, сунъий интеллект, учувчисиз қурилмалар намойиш этилган. “Яшил” ташаббуслар” майдончасида экология, муқобил энергетика, қишлоқ хўжалиги каби соҳаларга оид ишлан-

малар кўрсатилган. “Креатив лойиҳалар” бўлимидан хунарамандлик, дизайн, тасвирий санъат, видео ва продюсерлик фаолиятидаги ютуқлар ўрин олган. “Ёшлар тадбиркорлиги ва стартаплар” майдончасида ушбу йўналишдаги муваффақиятли лойиҳалар ҳақида маълумот берилган. Жумладан, тошкентлик Рустам Ҳамдомовнинг “Billz” дастури кичик ва ўрта бизнесни автоматлаштиришга ёрдам беради. Ҳозиргача бу лойиҳага Буюк Британия, Сингапур, Туркия ишбилармонлари

6 миллион 600 минг АҚШ доллари миқдорда инвестиция киритган. Қорақалпоғистонлик ёш фермер Шерзод Ниязимбетов органик помидорлар етиштириб, қуёшда қуритиб ва қадоқлаб, Италия ҳамда Франция каби давлатларга экспорт қилмоқда. Унинг корхонасида 200 нафарга яқин ходим ишламоқда. Ўзбекистон Президентининг 2019 йилдаги қарори билан ташкил этилган Ёшлар академияси бутунги кунда 7 мингдан зиёд ёш олимларни бирлаштирган. Кўргазмада улар учун кенг

ўрин ажратилган. Тошкентлик Сайфулло Қодиров экин майдонларини рақамли хариталаш ва юқоридан дори сепиш имконини берувчи дронлар ясаган. Олимлар орасида “Рақамли авлод қизлари” танлови ғолибалари кўплиги ҳам диққатга сазовор. Хоразмлик Лобар Абдуллаева онкологик касалликларга сунъий интеллект орқали ташхис қўйишга мўлжалланган “AI Scan” дастурини ишлаб чиққан. Қорақалпоғистонлик Кумара Сагидуллаева қуёш энергиясида юрۇвчи кичик трактор, тошкентлик Абдуллоҳ

Жамолитдинов боғни автоматик сугориш тизимини ихтиро қилган. Давлатимиз раҳбари мазкур тақдимотлар билан танишиб, уларнинг ташаббускорлари билан мулоқот қилди. — Ёшларимизнинг ҳар бир муваффақияти биз учун куч-қудрат, мамлакатимиз келажагига таянч. Бугун фарзандларимиз замонавий йўналишларни эгаллаб, анча илгарилаб кетяпти. Уларни қўллаб-қувватласак, сифатли таълим бериб, шароит яратсак, бундан ҳам катта натижаларга эришади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Мутасаддиларга ихтирочи ёшларни тегишли вазирликларга бириктириб, лойиҳаларини ривожлантириш бўйича кўрсатма берилди. Юртимизда бундай иқтидорли ўғил-қизлар кўп. Бу таълим соҳасига, айниқса, STEAM йўналишларига қаратилаётган эътибор натижаси. Сўнгги йилларда математика, физика, кимё ва ахборот технологияларига ихтисослашган кўплаб мактаблар ташкил этилди.

Давоми 3-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЁШЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Қадрли фарзандларим!
Аввало, сиз, азиз ўғил-қизларимни, сизларнинг тимсолингизда бутун Ўзбекистон ёшларини қутлуг айём — Ёшлар куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.
Сиздек навқирон авлод вакилларини бутун мана шундай аъло кайфиятда кўриб турганимдан бениҳоя хурсандман.
Кейинги йилларда иқтисодиётимиз тез суръатлар билан ўсиб, барча соҳаларда имкониятларимиз ортиб бораётганида, ҳеч шубҳасиз, сиз ёшларнинг ҳам муносиб ҳиссангиз бор.
Бир сўз билан айтганда, бизнинг бебаҳо бойлигимиз ҳам, келажак учун энг катта дивидендимиз ҳам, ёшлар, десак, тўғри бўлади. Билагида куч-ғайрат, ҳар бир ҳаракатида азму шижоат жўш урган йигитларимизни, билим ва одобда, ақл-заковатда тенгсиз қизларимизни кўриб, ҳар қандай

халқ, ҳар қандай давлат бизга ҳавас қилса арзийди.
Катта-катта давлатлар, дунёнинг энг нуфузли компаниялари бутун бизга нега ишонмоқда? Нега миллиардлаб доллар инвестициялар киритмоқда?
Бу, албатта, бежиз эмас. Чунки ҳамкорларимиз ёшларимизнинг илм-фан, таълим, IT, маданият, санъат ва спортдаги ютуқларини кўриб, салоҳиятимизга баҳо бермоқда, эртанги кунимиз пойдевори мустаҳкам эканига ишонч ҳосил қилмоқда.
Биз ислохотларимизни бошлаган илк кунларданок “илм — тарбия — инновация” занжирини яратишга киришдик. Бу йўлдаги ҳаракатларимиз бутун аниқ натижалар бермоқда.
Мана, бир мисол. Ўтган йили юртимиз ёшлари ТОП-500 талик олийгоҳларга кириш бўйича Марказий Осиёда 1-ўринни эгаллади. Билимли ёшларимиз

илк бор ТОП-5 таликдаги олийгоҳларга кириб, тарихий натижа қайд этганлари ҳам барчамизни қувонтиради. Бугунги кунда 30 нафар ёшларимиз дунёнинг ТОП-10 талик олийгоҳида, 500 нафари ТОП-100 ва 1 минг 500 нафари ТОП-300 таликдан жой олган нуфузли университетларда таҳсил олмоқда.
Ушбу муҳташам залда ўтирган Жасурбек Умаров — Гарвард университетига, Рухшона Собирова — Пенсильвания, Асилбек Ашуров — Чикаго университетига бу йил 100 фоиз грант асосида ўқишга киргани таълимдаги ислохотларимиз нақадар натижадор бўлаётганига яққол далилдир.
Яқинда бутун юртимизда барчамиз узоқ кутган катта футбол байрами бўлиб ўтди. Халқимизнинг 34 йиллик орзуси ушалди — миллий терма жамоамиз тарихда илк бор жаҳон чемпионати йўлнамасини қўлга киритди.

Яқин-яқингача умрини пахта дала-сида ўтказган оддий оила фарзандлари илмда, спортда, бошқа соҳаларда бундай юксак марраларни эгаллашини тасаввур қилиш ҳам қийин эди. Биз ёшларимиз учун шароит яратдик, улар бундан унумли фойдаланиб, баланд чўққиларни забт этмоқда.
Бугун сизлар каби зеҳни ўткир, меҳнатсевар ва фидойи фарзандларимга қараб, орангиздан физика, кимё, тиббиёт, иқтисодиёт, адабиёт бўйича янги Хоразмийлар, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек ва Навоийлар етишиб чиқишига албатта ишонаман.
Биринчи ва Иккинчи Ренессанс буюк аллома ва мутафаккирларимиз яратган бўлса, бугун тарих навбатни сизларга бермоқда. Ишончим комил, сизлар барча соҳаларда мамлакатимиз байрогини баланд кўтаришга қодирсиз.

Сизлар — Янги Ўзбекистон бунёдкорлари сифатида янги тарих яратадиган олтин авлодсиз!
Фурсатдан фойдаланиб, мана шу қувончли айёмда Ваганимиз равнақ йўлида интилиш, илм олиш ва меҳнат қилишдан чарчамайдиغان барча ёшларимизга, билимли, тарбияли ва соғлом фарзандларни камолга етказётган ота-оналарга, катта ҳаётга қадам қўйишларида ёшларга энг яқин маслаҳатчи бўлаётган хурматли устоз ва мураббийларга самимий миннатдорлигимни билдираман.
Азиз ўғил-қизларим!
Ҳозирги вақтда дунё қандай нотинч, қандай мураккаб бўлиб бораётганини кўриб турибмиз. Тинчлик — энг буюк неъмат, инсон қадри ва адолат — энг олий қадрият эканини ҳар қачонгидан ҳам чуқур ҳис этмоқдамиз.
Алишер Навоий бобомизнинг “**Билим хазинасини ёшликда тўпла**”, деган сўзларида албатта жуда чуқур маъно бор. Чиндан

ҳам, илм ва маърифат билан қуролланган, ватанпарвар халқ ҳар қандай синовлардан муносиб ўта олади. Юксак билимли, дунёқарашли кенг, замонавий фикрлайдиган, технологик жиҳатдан саводхон ёшлари кўп бўлган юртда тинчлик ва тараққиёт, ўзаро жипслик ҳамиша барқарор бўлади.
Ёшларимизга сифатли таълим ва тарбия бериш, замонавий касб ва ҳунарлар, хорижий тилларни ўргатиш, ҳаётда муносиб ўрин топиши учун зарур шароитлар яратиш — энг асосий вазифамиз ва бурчимизга айланган.
Мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиб, ҳудудини намунали қилган вилоят ва туманларимиз кўп. Мисол учун, ёш тадбиркорларимиз ташкил қилган 261 та корхонанинг йиллик обороти 100 миллиард сўмдан ошди.

Давоми 2-бетда

Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда ИЖРО ИНТИЗОМИ — ИСЛОХОТЛАР САМАРАДОРЛИГИ АСОСИ

Бугун Ўзбекистондаги кенг қамровли ислохотлар мамлакат тараққиёти, жамият фаровонлиги ва фуқаролар ҳаётини яхшилашга қаратилган. Ислохотларнинг самарали ва ўз вақтида амалга оширилиши эса, аввало, ижро интизомига боғлиқдир. Шу жиҳатдан қаралганда, ижро интизоми ислохотларнинг муваффақиятига асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Президентининг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда дав-

лат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучай-

тиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ҳамда 2021 йил 31 майдаги “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида устувор вазифалар белгилаб берилган.

Давоми 4-бетда

ЯШНАЁТГАН ҚАШҚАДАРЁ: ФАРОВОНЛИК САРИ

Қадим воҳа таърифи

Улугларимиз “Вагани шунчаки севиш мумкин эмас, унинг дарди билан яшамоқ, бахтидан қувонмоқ, у билан фахрланмоқ керак”, дейди. Юрт сарҳадларидаги фаровонликдан завқланиш, гурурланиш эса ижодкорга ўзгача завқ ато этади. Инсон руҳиятининг жозиб кечинмаларига бундан ортиқ таъриф йўқ.
Не-не зақоларни камолга етказган, не-не даҳоларни элга қўшган беназир замин, тилдан шукрона тушмайдиган, меҳнатидан барака тогган, мард ва оққўнгил инсонлар юрти — Қашқадарё бу!

Давоми 6-бетда



АЗМУ ШИЖОАТЛИ ЁШЛАРИМИЗНИНГ ЗАМОНАВИЙ БИЛИМЛАРНИ ЭГАЛЛАБ ЭРИШАЁТГАН МУВАФФАҚИЯТЛАРИ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН КЕЛАЖАГИГА ТАЯНЧ

Бошланиши 1-бетда

Ёш тадбиркорлар ташкил қилган 261 та корхонанинг йиллик айланмаси 100 миллиард сўмдан ошган. Стартларни молиялаштиришга 145 миллион доллар венчур сармоя киритилган.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Халқаро конгресс марказида 30 июнь — Ёшлар куни муносабати билан ўтказилган учрашувда нутқ сўзлади. Ўзбекистон ёшларини ушбу қўтлуғ айём билан табриклаб, уларга меҳри ва ишончини билдирди.

Мамлакатимизда ёшларга яратилаётган шароитлар аниқ натижалар бераётгани қайд этилди. Ўтган йили юртимиз ёшлари ТОП-500 талик олийгоҳларга кириш бўйича Марказий Осиёда биринчи ўринни эгаллади. Бугунги кунда 30 нафар йигит-қиз дунёдаги ТОП-10, 500 нафари ТОП-100 ва 1 минг 500 нафари ТОП-300 дан жой олган нуфузли университетларда тахсил олмоқда.

Юртдошларимиз санъат, спорт соҳаларида ҳам катта муваффақиятларга эришмоқда. Яқинда футбол бўйича миллий терма жамоамиз тарихда илк бор жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритди.

— Биринчи ва иккинчи Ренессансни буюк алома ва мутафаккирларимиз яратган бўлса, бугун тарих навбатни сизларга бермоқда. Ишончим комил, сизлар барча соҳаларда мамлакатимиз байроғини баланд кўтаришга қодирсиз. Сизлар — Янги Ўзбекистон бунёдкорлари сифатида янги тарих яратадиган олтин авлодсиз, — дея таъкидлади Президент.

Ёшларга сифатли таълим-тарбия бериш, хорижий тилларни ўргатиш, касб эгаллаб, ҳаётда муносиб ўрин топишга қўмаклашиш — давлатимизнинг асосий вазифасига айланган. Бунда замон талабидан келиб чиқиб, зарур шароитлар яратилмоқда.

Жумладан, “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида 325 минг ёшлар ўқитилган. Ўтган йили 150 мингдан зиёд йигит-қиз халқаро тил сертификатлари олган, бу — 2023 йилга нисбатан 2 баравар кўп.

Бу йил 35 миллиард долларлик 8 минг 300 та лойиҳа орқали 292 мингта иш ўрни яратилмоқда. Яна 500 мингта иш ўрни яратадиган 83 миллиард долларлик лойиҳалар режалаштирилган. Натижада “ашил” иқтисодиёт, sanoat, энергетика, геология, муҳандислик ва бошқа соҳаларда минглаб мутахассисларга талаб пайдо бўлади.

Учрашувда давлатимиз раҳбари ёшларга имкониятларни кенгайтиришга қаратилган муҳим ташаббусларни билдирди.

Хусусан, Президентимиз фармони билан Беруний номидаги халқаро мактаб ташкил этилди. Унга 8-синф битирувчилари орасидан 60 нафар ўқувчи саралаб олинди, 3 та йўналишда чуқурлаштириб ўқитилади.

Миллий дастур асосида ҳар йили энг салоҳиятли 3 минг ўқувчи танланиб, Гарвард, Йель, Колумбия, Корнель каби дунёнинг нуфузли олийгоҳларига тайёрланади. Шундан камиди 300 нафари эҳтиёжманд оила фарзандлари бўлади.

Нуфузли хорижий олийгоҳларга кираётган барча ёшлар ҳам 100 фоизлик грант олиш имкониятига эга эмас. Шу боис, энди “Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан ТОП-300 талик олийгоҳга кирганларнинг ўқиш ва яшаш харажатини қоплаш тизими янги тартибда ишлай бошлайди.

Энг аввало, илм-фан, технология, муҳандислик ва математика, энергетика, транспорт, урбанизация, архитектура, қурилиш, қишлоқ ва сув хўжалиги каби драйвер соҳалар учун квоталар оширилмоқда. Энди банклар ТОП-300 талик олийгоҳга кирган ёшларга 20 минг долларгача имтиёзли кредит беради.

Сунъий интеллектни ривожлантириш бўйича банк-молия, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги ва энергетика устувор йўналиш сифатида белгиланиб, 100 та лойиҳа амалга оширилади. Бирлашган Араб Амирликлари билан ҳамкорликда “Бир миллион сунъий интеллект етакчилари” дастури ишга туширилади.

Массасуецетс технология институтининг сунъий интеллект таълим дастури асосида информатика ўқув дастурлари янгиланади. Вилоятлардаги информатика ўқитувчилари Янги Ўзбекистон университетида ушбу дастурга ўқитилади.

“Рақамли авлод қизлари” танловида таълим, сунъий интеллект, “яшил” иқтисодиёт, иқлим ўзгариши каби соҳаларда 7 минг ўқувчи ва талабанинг 120 та стартп лойиҳаси танлаб олинди. Жорий йил бу лойиҳага камиди 50 минг нафар қизлар қамраб олинади.

Стартларни қўллаб-қувватлаш бўйича тизим яратилиб, уларни молиялаштиришга 145 миллион доллар венчур сармоя киритилди. Энди бу маблаг 1 миллиард долларга етказилади. Мактабларда ўқувчилар учун “моҳирлик ва бизнес соати” киритилиб, уларнинг гоисини стартпга айлантиришга 100 миллиард сўм грант йўналтирилади. Олийгоҳлар ўртасида ҳам стартлар бўйича ҳар йили “Энг яхши креатив гоь” танлови ўтказилиб, голибларга олийгоҳ жамғармасидан 300 миллион сўмгача грант берилади.

Стартпани прототипга айлантириш ва синовдан ўтказиш учун Инновация агент-



лиги ва IT-парк тадқиқот ва тараққиёт марказини очди. Бунда, энг яхши лойиҳалар бўйича прототип яратиш харажатининг 50 минг долларгача қисми Ёшлар венчур жамғармасидан қопланади.

Энди sanoat, сервис, тадбиркорлик ва қишлоқ хўжалигида банд ёшларнинг касбий ривожланиши бўйича ҳам тизим яратилади. Ҳар бир касб йўналиши бўйича ёшлар ўрта-сида республика мусобақалари ўтказилади. Бунда давлат корхоналари ва хусусий сектор вакиллари тенгма-тенг иштирок этади.

Тармоқ раҳбарлари ҳар йили ўз тизимидаги 100 нафар ёшни селекция қилиб, хорижий стажировкага юборишни йўлга қўяди. Бунинг учун, ҳар бир тармоқ 10 миллиард сўмдан ажратади.

Маълумки, мактаб битирувчилари ҳамда талабаларнинг бандлигини таъминлаш бўйича иккита дастур қабул қилинган. Шу мақсадда “Алоқабанк” ва Миллий банкка 300 миллион доллар ажратилган. Улар “Ёшлар бизнеси” дастури доирасида 100 минг ёшларни, “Кежажакка қадам” орқали 140 минг олийгоҳ битирувчисини даромадли иш билан таъминлашга масъул бўлади.

Бандлик вазирилик, Савдо-саноат палатаси Миллий банк билан бирга йил

якунигача олийгоҳ, техникум, касбий таълим битирувчиларини иш бевуручилар билан боғлайдиган платформани ишга туширади. “Харакатда даромад” электрон тизими яратилиб, таътилдаги 3 миллион ёшлар малака талаб қилмайдиган ишларга жалб қилинади.

Сўнгги етти йилда бошқарув кадрлари таркиби анча ёшариб, 40 ёшгача бўлган раҳбарлар улуши 37 фоиздан 65 фоизга ошди. Ўтган ойда истиқболли кадрлар тайёрлаш ва уларни давлат бошқарувида жалб этиш бўйича Президент фармони имзоланди.

Энди Давлат сиёсати ва бошқаруви академиясида “Кежажак лидерлари” дастури бўйича ҳар йили 100 нафар салоҳиятли ёшлар ўқитилади. Улар вазир ва ҳокимларга бириктирилиб, тажриба ортиради, хорижий стажировкага юборилади. Дастурни тамомлаган ёшлар раҳбарлик лавозимларига асосий номзод бўлади.

Ёшлар таълим-тарбиясида китобсеварлик, санъат ва маданиятнинг аҳамияти катта. Шу боис, бу йўналишдаги танловларда голиб бўлганлар чекка ҳудудлардаги мактабларга бориб, чиқишлар қилади. Бунинг учун вилоят ҳокимлари биттадан автобус олиб беради.

Республика танлови голибларига маданият ва санъат олийгоҳларига киришда имтиёз берилади. “Иқтидор” мактаб ансамбли танловининг вилоят босқичи голиблари Болалар ва мусика санъат мактаблариде бепул ўқитилади.

Ёш авлодда ватанпарварликни кучайтириш, турли зарарли таъсирлардан асраш масаласи ҳам долзарб. Пойтахтимиздаги “Ғалаба боғи”да очилган “Миллат фидойилари” монументидан мақсад ҳам шу. У ерда эл-юртимиз тинчлиги йўлида азиз жонини фидо қилган 196 нафар мард ва жасур ҳарбийларимиз, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг номлари муҳрланган. Бу қўтлуғ маскани зиёрат қилган ёшларда Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуси янада юксалиши таъкидланади.

Давлатимизнинг ёшларга оид сиёсатини халқаро ҳамжамият ҳам кенг эътироф этмоқда. Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти “Ёшлар — 2030” стратегиясини жадал амалга ошираётган 10 та давлат қаторига кирди. Ёшлар тараққиёт индексида мамлакатимиз бу борада энг тез суръатлар билан ривожланаётган давлат деб топилди.

Бухоро шаҳри — Туркий дунё ёшлари пойтахти, Тошкент шаҳри — Мустақил

Давлатлар Ҳамдўстлиги ёшлари пойтахти мақомини олди.

Шу кунларда юртимизда Глобал ёшлар фестивали бўлиб ўтмоқда. Ушбу форум нафақат мамлакатимиз, балки бутун дунё ёшлари учун самарали ҳамкорлик ва ўзаро тажриба алмашиш майдони бўлиши қайд этилди.

Президентимиз ёшларнинг билим ва иқтидорини эътироф этиб, улар билан ғурурланишини таъкидлади.

— Сизларнинг ҳар бир ютугингиз — бутун халқимизнинг ютуғидир. Азму шижоатингиз, соғлом дунёқарашингиз, бахту иқболингиз — миллионлаб ота-оналар, устоз-мурабийлар, яқинларингизнинг ҳам бахту саодатидир, — деди давлат раҳбари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28 июндаги фармон ва қарорига мувофиқ, ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш мақсадида бир гуруҳ илгор йигит-қизлар “Кежажак бунёдкори” медали ҳамда “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирланган эди.

Тошкентдаги Халқаро конгресс марказида ана шу мукофотларни топшириш маросими бўлди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида йигит-қизларни Ёшлар куни билан табриклади. Болаларни юқори даражада ўқитиш, хорижий университетларга тайёрлаш, ёшларнинг стартп ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш бўйича муҳим ташаббусларни илгари сурди. Учрашувда ёшлар билан очиқ мулоқот бўлди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев ёшларга давлат мукофотларини топширди.

— Ёшлиқдаги ҳаракат бу — кежажакдаги ютуқ дегани. Ёшлиқда орттирилган дўст — бир умрлик ҳамкор, таянч ва суянч дегани. Ҳеч қачон унутманг, фарзандлари билимни, соғлом, мард ва жасур, доимо олдинги интилиб яшайдиган халқ ва давлатнинг кежажак албатта ёруғ бўлади. Мен бутун Ўзбекистон ёшлари ана шундай фазилатлар эгаси бўлишини тилайман, — деди Шавкат Мирзиёев.

Мукофотланганлар давлатимиз томонидан ёшларга яратилаётган имкониятлар учун самимий миннатдорлик билдирди, келгусида янада катта натижаларга эришиб, халқимиз ишончини оқлашини таъкидлашди.

Тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, зиёлилар, ота-оналар иштирок этди.

ЎЗА

30 YUN YOSHLAR KUNI Дил сўзлари

ТИББИЁТДАГИ ГЛОБАЛ МУАММОЛАРГА ЁЧИМ БЕРИШ — ОЛИЙ МАҚСАДИМ

Муҳаммадбироҳим ЭҒАМБЕРДИЕВ, Тошкент давлат тиббиёт университети 2-босқич талабаси, “Мард ўғлон” давлат мукофоти соҳиби:

— Оиладаги илмга ташналик муҳити билим олишим ва тиббиёт соҳасига кириб келишимда муҳим омил бўлди. 2016-2021 йилларда футболга ихтисослаштирилган мактабда ўқиганман. Ўтган давр мобайнида республика миқёсида ўтказилган бир неча мусобақада иштирок этиб, жамоавий тарзда зафарли ўринларни қўлга киритдим. 2021 йилдан 2023 йилгача эса Тошкент давлат тиббиёт университети 2-академик лицейида тахсил олдим. Лицейда ўқиш давомида қатор муваффақиятларга эришдим. Хусусан, 2023 йилда Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган фан олимпиадасининг республика босқичида биринчи ўринни қўлга киритдим ва ўша йили БААда ташкил этилган 34-халқаро биология олимпиадасида бронза медали билан тақдирландим. Мусобақада ватанимиз байроғини дунёнинг 100 га яқин ривожланган ва ривожланаётган давлатлари орасида муносиб ҳимоя қилдим. Йиллар оралиғида бўлиб ўтган бошқа қатор минтақавий ва халқаро миқёсдаги олимпиадалар ва кўриқ-танловларда иштирок этиб, фахрли ўринларни эгалладим.

Тошкент давлат тиббиёт университетидаги имтиёзли равишда қабул қилиндим. Шу кунга қадар 20 га яқин мақола, ўқув қўлланмаларим маҳаллий ва хорижийнинг нуфузли илмий журналларида чоп этилди. ЭҒМ учун яратилган дастурийлар патент олдим ва нуфузли илмий конференцияларда иштирок этдим. Булар яхши мутахассис бўлиб шаклланишдаги кўмак



бермоқда. IELTS имтиҳонидан 7,5 балли қўлга киритдим. 2024 йилда Бухоро шаҳрида ташкил этилган илк халқаро биология олимпиадасида ҳакамлар ҳайъати вакили сифатида иштирок этиб, унинг назарий қисми учун жаҳон стандартларига мос саволлар туздим. Ушбу саволларни дунёнинг таниқли олим ва профессорлари олдида изоҳлаб, асослаб бердим.

Жаҳон тиббиёти олдида турган глобал муаммоларни ҳал қилиш энг олий мақсадим. Ўзбекистон илм-фани дунёда етакчи ўринларда бўлишини истайман. Келгусида энг нуфузли халқаро университетларида тажриба ўтаб, ўрганган билимларим ва амалий кўникмаларимни Ўзбекистонда татбиқ қилиш ниятидаман. Ушбу давлат мукофотини қўлга киритганим мен учун жуда катта шараф ва елкамга юклатилган масъулиятдир. Бу давлат мукофоти гайратимга ғайрат, шижоатимга шижоат қўшиб, улкан мақсадларим томон дадил одимлашимга туртки бўлади.

Мамлакатимизда чет тилларни ўқитишга катта эътибор қаратиляпти. Шу боис, мен ҳам инглиз тили мутахассислиги бўйича тахсил оляпман. Келгусида ёшларнинг чет тилларда эркин сўзлаша оладиган, жаҳон меҳнат бозорида рақобатдош кадр бўлиб етишишига қўмаклашмоқчиман.

ШУ ЮРТНИНГ БАХТЛИ ҚИЗЛАРИДАНМАН

Нодира АБДИҒАНИЕВА, Қорақалпоқ давлат университети 1-курс магистранти, “Кежажак бунёдкори” медали соҳиби:

— Бу йилги Ёшлар куни байрами мен учун тарихий аҳамият касб этди. Президентимиз қўлидан “Кежажак бунёдкори” медалини олиш бахти насиб этди. Қорақалпоғистоннинг энг чекка туманларидан бири — Тахтакўпирда дунёга келиб, улғайганман. Бир неча халқаро танловлар голиби ва турли грантлар совриндориман. Хусусан, грант асосида Европада ўқиб келдим. Ривожланган Ғарб таълимининг энг илгор жиҳатларини ўргандим. Бакалаврият йўналишида ўқиб юрган вақтимда эса Навоий номи давлат стипендиясига муносиб қўрилганман.

Мамлакатимизда чет тилларни ўқитишга катта эътибор қаратиляпти. Шу боис, мен ҳам инглиз тили мутахассислиги бўйича тахсил оляпман. Келгусида ёшларнинг чет тилларда эркин сўзлаша оладиган, жаҳон меҳнат бозорида рақобатдош кадр бўлиб етишишига қўмаклашмоқчиман.

Мазкур мукофот энди қиладиган хизматларим, шу юрт, шу ватаннинг гуллаб-яшнашига қўшадиган ҳиссам учун берилди деб ўйлайман. “Кежажак бунёдкори” медали берилгани зиммамга катта масъулият юклайди.

Бир йигитни ўқитсанг, бир инсонга, бир аёлни ўқитсанг, бутун миллатга таълим берган бўласан, деган ҳикмат бор. Бугун бу ўғит янада теран маъно касб этган. Хотин-қизлар таълимига эътибор жамият тараққиётига хизмат қилишини бугун халқимиз яхшироқ тушуняпти. Илмли аёл оилада фарзандларига яхши таълим-тарбия бера олади, жамият ривожига муносиб ҳисса қўшади. Саводхонлик даражаси ошиши, ҳар бир оилада соғлом турмуш тарзи қарор топиши ўша хонадон бекасидан билим талаб этади. Аёлнинг илмли бўлиши миллат тараққиётида жуда муҳим.

Шу боис, юртимизда хотин-қизлар таълим олиши учун барча имконият яратилмоқда, имтиёзлар бериляпти. Бу ҳам бизнинг бахтимиз. Мен шу юртнинг бахтли қизлариданман.



ЭЪТИБОР БОР ЖОЙДА ЮКСАЛИШ БЎЛАДИ

Жаҳонгир НОСИРОВ, журналист, “Мард ўғлон” давлат мукофоти соҳиби:

— Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, журналистларнинг эркин фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Журналистлар фаолияти шахсан Президентимиз эътиборида. Соҳа вакиллари давлат томонидан фаол қўллаб-қувватланиб, рабаглантирилмоқда. Юртимизда касб байрамимиз кенг нишонланиши ва журналистларнинг давлат мукофотлари билан тақдирланиши бунинг аққол тасдиғи.

Давлатимиз раҳбарининг бир неча йил аввал “Мен ҳақиқат ва адолатни ўз эътиқоди деб биладиган барча журналистларни — ислохотларнинг фаол иштирокчилари, ўзимнинг энг яқин дўстларим деб биламан ва улар ҳамиша Президент ҳимоясида бўлади”, деб айтган гаплари ҳеч эсимдан чиқмайди. Мен бу сўзлардан ҳамон куч оламан.

Шу боис, юртимизда кечаётган ислохотлар натижасини четда туриб жимгина кузатмоқчи эмасман. Мамлакатимиз ютуқларини жаҳон матбуотида ёритиб боришни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман.

Ҳамма гап натижада, яъни ҳавас қилинган маррани эгаллаш ва мақсадга етишишда. Бу йўлда маслаҳат, танбех бевуручилар йўлдан қайтаришга уринувчилар кўп топилади. Тинимсиз ишлаш, китоб мутлоа қилиш билангина ғалабага эришиб бўлмайди. Изла-ниш, интилиш, ватанни севиш керак. Мутахассислигим бўйича билимларнинг энг кераклисини чуқур ўрганишга интиламан. Бу ёндашув шу кунга қадар ўзини оқлапти.

Ёшлар тимсолида энг қимматли ва ўта муҳим ресурслар мужасам бўлиб, унга



ҳар қанча инвестиция киритса арзийди, чунки бу сармоя эртага бир неча баробар зиёд бўлиб қайтади. Шу маънода, ёшларга қаратилаётган эътибор ҳам ўз натижасини бериши шубҳасиз.

Давлатимиз раҳбари қарорига биноан “Мард ўғлон” давлат мукофотида лойиқ қўрилиб, Ёшлар куни арафасида иқтидорлилар орасида эътирофга сазовор бўлганимдан бениҳоя мамнуман.

Ушбу мукофот катта хурсандлик билан бирга зиммамизга улкан масъулият юкламоқда. Президентимизнинг “Эришилган ютуқларга маҳлиё бўлиб ўтириш тараққиёт йўлидаги энг катта говдир”, деган гапи бизни яна олдинга чорлаб, меҳнат қилишга ундайди.

Барча амалий ишлар, энг аввало, инсон кадр, халқ фаровонлиги учун амалга оширилмоқда. Шундай экан, давлатимизнинг биз, ёшларга кўрсатаётган ғамхўрлигига меҳнатдаги ютуқларимиз билан жавоб беришимиз даркор.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири
Рисолат МАДИЕВА ёзиб олди.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz



Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда

ИЖРО ИНТИЗОМИ — ИСЛОҲОТЛАР САМАРАДОРЛИГИ АСОСИ



Бобур ИСЛОМОВ,
тоғ-кон саноати ва геология
вазир

Бошланиши 1-бетда

Ижро интизоми мустаҳкамлаш бўйича ягона ва узлуксиз “технологик заңжир”ни ташкил қилиш борасидаги устувор йўналишлар этиб:

— қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар лойиҳаларини ҳар томонлама пухта ҳамда юксак профессионал даражада тайёрлаш;

— бошқарув тизими, замонавий Ўзбекистонни ривожлантиришнинг янги босқичини, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани, шунингдек, республика ҳудудларини мақсадли ҳамда устувор вазибаларга мувофиқ такомиллаштириш;

— қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини самарали ва режалаштирилган тартибда, уларнинг бажарилиш ҳолатини мақсадли ўрганиш, аниқланган камчиликлар бўйича тезкор чоралар кўриш;

— қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлардаги назорат бандларида аниқ механизмлар, муддатлар ва масъуллар белгиланиши бўйича “йўл хариталари”ни (назорат режаларини) ўз вақтида ишлаб чиқиш;

— ижро интизомига масъул бўлинмаларнинг ижро интизоми мустаҳкамлашдаги ролини ошириш;

— ташкилий, ижро ва назорат фаолияти ягона тизимнинг натижадорлиги учун давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш белгиланган.

Демак, ҳар қандай ҳужжат ижросини таъминлашда уларда белгиланган амалий механизмлар, шакллар ва усуллардан самарали фойдаланиш зарур.

Шундан келиб чиқиб, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигида ижро интизоми мустаҳкамлаш мақсадида иш юритишнинг ички жараёнлари автоматлаштирилиб, электрон ҳужжат айланиши тизими тўлиқ жорий этилган. Соҳа фаолиятига тааллуқли ҳужжатлар ижросини ташкил қилиш бўйича аниқ мақсадга

йўналтирилган қарорлар қабул қилиш, уларни тегишли ходимларга муддатиди ва тўлиқ етказиш ҳамда назорат картотекаларини юритиш тизими йўлга қўйилган. Жумладан:

биринчидан, қонунчилик ҳужжатлари вазириликка келиб тушиши билан дарҳол раҳбарнинг уни ижрога қаратиш юзасидан топшириги тайёрланади ва имзоланиб, тегишлилиги бўйича масъул ижрочиларга етказилади;

иккинчидан, қонунчилик ҳужжатларидаги топшириқларга аниқ механизмлар, муддатлар ва масъуллар белгиланиши бўйича назорат режалари ишлаб чиқилади ҳамда уларни ҳар бир ходимнинг шахсий иш режасида акс эттирилиши таъминланади;

учинчидан, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини барвақт ва самарали ташкил этиш чоралари кўрилиб, “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимда ўз вақтида ҳисобот берилишига алоҳида эътибор қаратилади;

тўртинчидан, ижро интизоми мустаҳкамлаш ва топшириқларнинг ўз вақтида ҳамда сифатли таъминлаш мақсадида ҳафтанинг ҳар душанба кунини вазири ҳузурида, чоршанба ва жума кунлари вазири ўринбосарлари бошчилигида муҳокама қилинади ва зарурий чоралар кўриб борилади.

Ҳар пайшанба кунини вазири бошчилигида тизим ташкилотлари ва ҳудудий бошқармалар билан ўтказиладиган видеоселектор муҳокамаларида ҳам ижро интизоми масаласи кўриб чиқилади;

бешинчидан, қўйилган вазибаларнинг моҳияти ва аҳамиятини вазирилик, тизим ташкилотлари масъуллари ўртасида тушунтириш мақсадида “иқтисодий ўқиш”лар ташкил этиб борилади.

Вазирлар Маҳкамаси, Ҳисоб палатаси ва Адлия вазирлиги билан биргаликда

олтинчидан, қонунчилик ҳужжатларидаги топшириқларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли ижро этилиши назоратга олиниб, вазирилик ҳайъати йиғилишларида муҳокама қилиниб, мўлжалланган мақсадларга эришилиши ҳамда ижро интизоми ҳолати ходимларнинг КРП тизимида акс эттирилиб борилади;

еттинчидан, вазириликда белгиланган топшириқлар ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш мақсадида ҳар ойда (кунбай) календарь график ва вазири ўринбосарлари кесимида “йўл хариталар” ишлаб чиқилиб, тасдиқланади.

Мазкур амалий чора-тадбирлар самара кўрсатмоқда. Жумладан, вазириликка белгилаб берилган вазибалар доирасида

“Жорий йил якунига қадар 467 та топшириқ ижроси таъминланиши талаб этилиб, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари 110 фоиз, маҳсулот экспорти 107 фоиз бажарилиши режалаштирилди. Бундан ташқари, умумий қиймати 2,6 миллиард АҚШ долларини ташкил этувчи инвестиция ўзлаштириш белгиланган, шундан 1 миллиард доллари геология-қидирув йўналишидаги янги лойиҳаларга тегишлидир.

2024 йилда шаффоф механизмлар асосида электрон аукцион платформаси орқали тадбиркорларга тақдир этилган кон ва ер участкалари ҳисобидан давлат бюджетига деярли 240 миллиард сўм тушум таъминланган. Жорий йилда бу кўрсаткич 2 баробар ошиши кутилмоқда.

2024 йил 31 октябрда янги тахрирдати “Ер қаъри тўғрисида”ги қонун қабул



ишлар қилинмоқда. Шунингдек, қонундан келиб чиқиб, бир қатор қонунности ҳужжатлар, ҳукумат қарорларига тегишли ўзгариш ҳамда қўшимчалар киритилмоқда. 2025 йилда йирик саноат лойиҳаларидан бири — йилига 1 миллион тонна қувватга эга, иссиқ ҳолда прокатланган лист ўрамлар ишлаб чиқарадиган қуюв прокатлаш мажмуасини фойдаланишга топшириш чоралари кўрилмоқда.

Жорий йил якунига қадар 467 та топшириқ ижроси таъминланиши талаб этилиб, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари 110 фоиз, маҳсулот экспорти 107 фоиз бажарилиши режалаштирилди. Бундан ташқари, умумий қиймати 2,6 миллиард АҚШ долларини ташкил этувчи инвестиция ўзлаштириш белгиланган, шундан 1 миллиард доллари геология-қидирув йўналишидаги янги лойиҳаларга тегишлидир.

2024 йил давомида Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигида Ўзбекистон Президенти ҳужжатларида (“Ijro.gov.uz” тизимида) жами 627 та (шундан 447 та топшириқда вазирилик асосий ижроси), ҳукумат ҳужжатларида 521 та топшириқ белгиланган бўлиб, уларнинг ижроси ўз вақтида ва тўлиқ таъминланиб, назоратдан кўрилмоқда.

2025 йил январь-июнь ойлари давомида Президентнинг (“Ijro.gov.uz” тизимида) 86 та ҳужжатидаги жами 287 та (шундан, январь — 57 та, февраль — 22 та, март — 40 та, апрель — 42 та, май — 29 та, июнь — 97 та) топшириқ назоратга олинди. Уларнинг ўз муддатида сифатли ижросини таъминлаш мақсадида темир интизом

билан ишланиши натижасида барчасининг ижроси тўлиқ таъминланди ва назоратдан ечилди.

Вазирлик тизимида ижро интизоми бевосита ходимларнинг КРП тизимида боғланган, топшириқларнинг ижро муддатини бузган масъулларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш ҳамда лавозимдан озод қилиш каби кескин чоралар ҳам кўриб боришмоқда.

Хусусан, 2024 йил ва 2025 йилнинг ўтган даври мобайнида 9 ходимга ҳайфсан, 5 ходимга қатъий огоҳлантириш ҳамда 4 ходимга интизомий жазо чораси сифатида жарималар қўлланилди.

Президентимизнинг 2024 йил 13 мартдаги “Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда ҳўжалик бирлашмалари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва ҳўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини (КРП) баҳолаб бориш тизими йўлга қўйилди.

Вазирлик фаолиятининг 2025 йил учун энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (КРП) Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 29 апрелдаги тегишли қарори билан тасдиқланди. Қарорда тоғ-кон саноати ва геология вазири, унинг ўринбосарларига 2025 йил 1 чорак учун 41 та, II чорак учун 44 та, III ва IV чораклар учун 49 та фаолиятнинг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичи белгилаб берилди.

Жорий йил I чораги якунлари бўйича барча кўрсаткичлар юз фоиз бажарилди. Ҳозир II чорак якунлари бўйича белгиланган кўрсаткичларни тўлиқ бажариш чоралари кўрилмоқда.

Давлатимиз раҳбари раислигида 2025 йил 16 июнь кунини ўтказилган видеоселектор йиғилишида ижро интизоми мустаҳкамлаш, аҳоли муаммолари билан ишлаш бўйича мутлақо янги тизим жорий қилиниши, “Халқ назорати” электрон портали ишга туширилиши белгилаб берилди.

“Давлатимиз раҳбари раислигида 2025 йил 16 июнь кунини ўтказилган видеоселектор йиғилишида ижро интизоми мустаҳкамлаш, аҳоли муаммолари билан ишлаш бўйича мутлақо янги тизим жорий қилиниши, “Халқ назорати” электрон портали ишга туширилиши белгилаб берилди.

Ушбу кўрсатма ва устувор вазибалардан тўғри хулоса қилиниб, вазириликда яратилган ижро интизоми тизими қайта кўриб чиқилди ва уни янада мустаҳкамлаш чоралари кўрилди.

Ҳафтининг уч кунини давомида топшириқлар ижроси самарадорлигини ҳудудларда мақсадли ўрганиш, аҳоли ва тадбиркорларни қийнаётган муаммолар билан жойида танишиш ҳамда соҳадаги давлат хизматларини қулай равишда кўрсатиш каби вазибаларни амалга ошириш белгилаб олинди.

Ижро интизоми мустаҳкамлаш мақсадида вазирилик ва унинг таркибига кирувчи корхоналарда мунтазам равишда “иқтисодий ўқиш”лар ташкил қилинмоқда. Бундан асосий мақсад — ҳўжатларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш ҳамда устувор вазибаларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш.

Жорий йилнинг ўтган даврида мутасадди вазирилик ва идоралар иштирокида камбағалликни қисқартириш ва бандлик масалалари, экспорт прогноз кўрсаткичлари ижроси ва юртимизда коррупциядан холи муҳит яратилиши давом эттириш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазибалар бўйича “иқтисодий ўқиш”лар ўтказилди.

Ислохотлар фақатгина қарор қабул қилиш билан чекланмайди. Улар татбиқ этилмаса, одамлар ҳаётида сезиларли ўзгариш бўлмайди. Шунинг учун ҳар бир соҳада фаолият юритаётган раҳбар ва ходим ижро интизомига жиддий эътибор қаратиши, оқлатилган вазибаларни виждонан бажариши зарур.

Президентимиз таъкидлаганидек, ҳар қандай қарорнинг қиймати унинг амалда қай даражада ижро этилишида намоён бўлади. Бу эса ижро интизомининг аҳамиятини яна бир бор яққол кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, геология ва тоғ-кон саноати иқтисодиётнинг асосий драйвери бўлган каби ижро интизоми ҳам ислохотларнинг “юроти”, яъни унинг ҳаракатга келтирувчи кучидир. Ижро интизоми бор жойда аниқлик, масъулият, самарадорлик ва натижа бўлади. Бу мамлакат тараққиёти ҳамда халқ фаровонлигининг асосий қадроти ҳисобланади.

Долзарб мавзу

ЖИНОЯТНИНГ ОҚИБАТИ БИЛАН ЭМАС, САБАБЛАРИ БИЛАН КУРАШИШ — ЭНГ МАҚБУЛ ЙЎЛ



Қутбиддин БУРҲОНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Мудофаа ва хавфсизлик
масалалари қўмитаси раиси

Кейинги йилларда аҳоли тинч-осойишта ҳаёт кечириши учун ҳуқуқий ва ташкилий механизмлар тубдан қайта кўриб чиқилди. Ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолияти қайта шакллантирилди, замонавий техника ва моддий ресурслар билан таъминланди. Энг асосийси, ҳуқуқбузарликни жазолаш эмас, балки жиноятларнинг олдини олиш асосий мезонга айлантирилмоқда.

Президентимизнинг 2025 йил 3 январдаги “2025 йилда республика маҳал-

Мамлакатимизда жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга энг устувор масалалардан бири сифатида алоҳида эътибор қаратиляпти. Соҳа изчил такомиллаштирилиб, самарадорлиги узлуксиз ошириляпти.

лаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарориди барча мутасадди идоралар олди-га жиноятларнинг олдини олишга йўналтирилган инфратузилма яратиш вазибаси қўйилди. Шу асосда бажарилган ишлар натижасида 2025 йилнинг дастлабки 5 ойида ўртача даражадаги жиноятлар 12, оғир жиноятлар 37,3 фоиз камайдди. Қотиллик, ўғрилик, талончилик, фирибгарлик ва маст ҳолда автоҳалокат содир қилиш каби қўллаб-қувватлаш турлари кескин камайишига эришилди.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбарининг топшириги асосида жорий йил давомида мамлакатда криминалген вазият оғир бўлган ҳудудлардаги реал ҳолат ўрганилиб, махсус ишчи гуруҳлар томонидан маҳаллалардаги “еттилик” фаолияти, ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва коррупцияга қарши кураш ишлари атрофлича таҳлил қилинди. Афсуски, ўрганишлар айрим “маҳалла еттиликлари” ва раҳбарлар

мазкур соҳадаги талаб ва вазибалардан беҳабарлигини, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга масъулиятсизлик билан қараётганини кўрсатди.

Жиноятларнинг 36,4 фоизи маҳалла-ларда содир этилган маҳаллий даражадаги профилактика ишлари талаб даражасида эмаслигидан далолат. 813 та маҳалла “қизил” тоифага киритилгани эса уларда жиноятчилик юқорилигини аниқлатади. Демак, жойлардаги “еттилик”лар фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, уларни қайта тайёрлаш ва назоратни кучайтириш талаб этилмоқда.

Ташвишланарли ҳолатлардан бири — оилаларда содир этилган қотилликлар. Шу йили рўй берган бундай оғир жиноятларнинг 53,4 фоизи оилавий муносабатлар доирасида содир этилган. Бу эса оила-лардаги низо-ларни барвақт аниқлаш, руҳий тушунчилик ва ўзаровонлик ҳолатларига чора кўриш борасида масъул идоралар етарлича иш олиб бормаётгани оқибати-дир. Самарқанд ва Навоийда содир бўлган икки муҳим жиноят оилавий низо-лар ва

“Яна бир муаммо — ахборот технологиялари воситасида содир этилаётган кибержиноятлар. Беш ойда 18 минг 327 та ана шундай жиноят содир этилган. Уларнинг 94,4 фоизи фирибгарлик ва ўғриликдир. Мазкур кўрсаткичлар жиноятчилик замонавий шаклларга ўтаётганини кўрсатади. Демак, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳам фаолиятини тезкор рақамли таҳлил ва электрон назорат асосида ташкил этиши лозим.

мураккаб ҳолатлар жиноятгача етаклаши мумкинлигини яққол намоён этди.

Бир қарашда ёшлар ўртасидаги жиноятчилик статистикасида ижобий ўзгаришлар юз бераётгандек туюлади. Беш ойда 2846 ёш 2919 та жиноят содир этган, кўрсаткич ўтган йилдагига нисбатан 20 фоиз камайган. Аммо вояга етмаганлар содир этган 567 та жиноятнинг 84,3 фоизи тарбиядан четда қолган, ота-онаси етарли эътибор бермаган болалар ҳиссасига тўғри келмоқда. Бундай ҳолатлар “оила — мактаб — маҳалла” тизими сўнгги пайтларда талаб даражасида ишламаётганидан дарак беради.

Хотин-қизлар содир этаётган жиноятлар ҳам алоҳида таҳлилга муҳтож. 2025

йилда 672 аёл 723 та жиноятга қўлга урган. Улар орасида оғир жиноятлар мавжуд. Айниқса, ўрганча юз берган ўта шафқатсиз жиноят ижтимоий муаммолар ечимсиз қолганда аёллар ҳам жиноятга қўл уриши таҳлилга ишларини олиб бормаган.

Яна бир муаммо — ахборот технологиялари воситасида содир этилаётган кибержиноятлар. Беш ойда 18 минг 327 та ана

шундай жиноят содир этилган. Уларнинг 94,4 фоизи фирибгарлик ва ўғриликдир. Мазкур кўрсаткичлар жиноятчилик замонавий шаклларга ўтаётганини кўрсатади. Демак, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳам фаолиятини тезкор рақамли таҳлил ва электрон назорат асосида ташкил этиши лозим.

Жиноятчиликка қарши курашда муайян ютуқларга эришяпмиз. Кўрилаётган чора-тадбирлар, жумладан, профилактика ишлари ижобий самара бермоқда. Бироқ жиноятчиликни тўлиқ бартараф этиш учун маҳалла тизимини шу йўналиш нуктаи назаридан қайта кўриб чиқиш, ҳар бир оиладаги муаммоларни барвақт аниқлаш, болалар, аёллар ва ёшлар билан манзилли ишлаш, рақамли таҳлилни кучайтириш ва жамоатчилик назоратини ошириш талаб этилади.

Жиноят ва оқибати билан эмас, балки сабаблари билан курашиш — энг самарали йўл. Шундай ёндашув билангина жамиятда ҳақиқий хавфсиз муҳитни яратиш мумкин.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ
ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Бугун урбанизация, рақобат ва глобал тенгсизлик жараёнлари таълими нафақат инсон, балки миллат тақдирини ҳал қилувчи асосий омилга айлантирмоқда. Чунки жамият тараққиёти инсон капитали сифатига боғлиқ. Шу боис, сифатли таълим ҳаётимизнинг бош мезонига айланиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари жорий йил 15 май кўни мактаб таълими тизимидagi ислохотлар самарадорлигини оширишга қаратилган устувор вазифалар муҳофазаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам таълимнинг бекиёс аҳамиятига яна бир бор урғу берди: “Дунёда исбот талаб қилмайдиган бир ҳақиқат бор: ҳар қандай мамлакат тараққиёти соғлом ва билимли авлодга боғлиқ. Шу боис, янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида соғлом, билимли, теран фикрли ва ватанпарвар ёшларни тарбиялаш учун барча шароитларни яратилиши шарт ва зарур”.

Бу гаплар қоғозда ёзилган оддий баёнот эмас, балки амалда ҳаётга татбиқ этилаётган жараёндир. Бугун ҳар биримиз таълимнинг аҳамиятини ўз ҳаётимиз мисолида англаб бормоқдамиз.

Ҳар бир бола дунёга келар экан, у билан бирга янги орзулар, умидлар ва интилишлар туғилади. Бу орзулар ҳар доим фаровон, умидли ҳаётга бағишланган бўлади. Бугунги бола — эртанги юрт эгаси. У қандай фикрлайди, нимани истайди, нимани қадрлайди — шу орқали эртанги жамият шаклланади.

Кимдир “Ўғлим шифокор бўлсин”, “Қизим ўқитувчи бўлсин”, дейди. Бошқалар эса “Ўзини топсин, одам бўлсин”, деб орзу қилади. Аммо қайси йўлни танламасин, ҳар бир боланинг келажаги билим билан боғлиқ. Таълим фақат мактаб дарслари эмас, балки фикрлаш, англаш, ўзини кашф этиш жараёндир. У орқали бола ҳаётда ўрнини топади, жамият эса мустақкам асосга эга бўлади.

Илм ва маърифат бўлмаган жойда тараққиёт ҳақида сўз юритиш чўлда бог барпо қилишга уриниш кабидир. Таълим фақат шахсий ривож эмас, балки жамиятнинг ҳар бир қатламини қамраб олувчи ижтимоий ҳаракат кучидир.

Яқинда қишлоққа бордим. У уч томондан тоғлар бишлар, туман марказидан 30 қақирим ичкарида жойлашган. “Йўқ, замондан узилиб қолган”, деган фикрни айтмоқчи эмасман. Балки бугун болаларнинг қояларга урилиб, акси қайтаётган қийқириқларида, боболарнинг гурунгида янги қарашлар илди этиб бормоқда. Жимитдек қишлоқда иккита давлат боғчаси, яна бир қанча хусусий боғча қурилиб, болалар таълимида мустақкам пойдевор бўлмоқда.

Энди болалар адир ёқалаб қўй-қўзининг ортидан юргани эмас, балки шинма боғча хоналарида таълим олаётгани одамни қувонтиради. Йиллар давомида паст текисликдаги майдончани чангитиб, тўп орқасидан қувиб юрган болалар бугун жаҳон минбарларида номи тилдан тушмаётган футболчиларимиз издошлари бўлиб тарбияланмоқда. Бир сўз билан айтганда, бутун миллат иккисиди одамлар дунёқарашида, онгу тафаккурда бурилиш бошланади.

Бир гурунгда қишлоқда анча йиллардан буён одамларнинг молини боқиб келаетган Ёрмат чўпоннинг кенжа ўғли Америкадаги нуфузли университетдан грант ютиб, ўқишга жўнаб кетгани ҳақида эшитдим.

Бундай хабарлар бугун кўпчилик учун одатий бўлиб қолгандай туюлиши мумкин. Боиси, ҳозир ўзбек ёшларининг хорихда ўқиши, халқаро танловларда иштирок этиши ёки грант ютиши ҳайратланарли эмас. Аммо масаланинг ботинига чуқурроқ назар ташласак, бу бутун умрини қишлоқда чорва боқишга бағишлаган, энг қўпи билан пойтахтга бориб келган ёки собиқ тузум даврида армия хизмати тўғрисида чет эл юзани кўрган оддий инсон учун бутунлай бошқа дунё, бошқа ҳаёт, бошқа туйғудир.

Ҳа, бир вақтлар бола отасидан “Дада, мен ким бўламан?” деб сўраса, кўпчилик оталар бу саволга жавоб топа олмади. Чунки савол келажак ҳақида эди, ҳолбуки, одамлар тирикчилик ва турмуш қийинчиликларида гарк бўлган, таълим орзу эмас, ортқиқча сарф-харажат эди. Ким бўлиш муҳим эмасди — асосийси, бола ишлаб, пул топса, бир амаллаб қора қозон қайнаса бўлди. Кўп оилалар учун илм ҳаётини



яхшилаш йўли эмас, балки узоқ ва етиб бўлмас йўлдек туюларди.

Оқибатда минглаб ёшлар ўз орзу-ҳавасларини чет эл билан боғлади. Ўзга юрт оstonасидан юртга бежо тикилаётган кўзларда она ватан соғини, яқинлари қадр



ва унга ҳар қадам уқтирилаётган мардикорлик тамғаси ором бермасди. Бу ёқда боласи қўлига қараб турган ота-оналар, умри отасининг йўлини пойлаб, соғинчдан кўзлари ёшланган болалар.

Бугунгача бўлган йўлда не-не тенгқурларимиз ўз ҳаёт йўлини ўзга юртларга буриб юборди. Тўғри, уларнинг аксарияти пул топиб, уй қўтарди, тўй қилди. Аммо бу йўл ўзгармади.

Таниқли авар шоири Расул Ҳамзатовнинг бир гапи бор: “Ҳар бир одам болалигидан ўз халқининг вакили бўлиш учун дунёга келганини билиши ва шу шарафли вазифани зиммага олишига ўзини тайёрлаши керак”. Икки қаторга сиққан бу жумлани бугун ҳар бир киши ўзига бериб қўриши керак. Тарбия ортида бутун миллат тақдирини ётади дейишди. Айтайлик, умрининг қанчадир қисмини Россиянинг қалин ўрмонларида дарахт кесишга сарфлаган, болаларини бир йилда бир қўришга мажбур бўлган отанинг фарзандлари оқлдаги қарздорлигини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Бундай ҳолатда моддий вақларга ҳам ўрин қолмаса керак.

Бугун эски қарашлар, тасаввурлар ўзгарди. Одамлар кўз очди. Таълим энди маблаг эмас, инвестиция сифатида қўрила бошланди. Чунки тараққиёт биринчи навбатда инсон онгида содир бўлади — фикр ўзгарса, ҳаёт ўзгариши бошланади. Бунни биз мактаб ёки университет деворларини янгилаш эмас, инсоннинг бутун дунёқарашини янгилашга қаратилган жараён деб билсак ҳам бўлади. Энг асосий ўзгариш ҳам айнан шу — одамларнинг онгидаги тўсиқлар парчалаймоқда. Энди кўплаб ота-оналар фарзандининг қизқиқишига, истеъдодига қулоқ тутаяпти. “Ким бўлсанг бўл, лекин ўзингга ишон!” деган ғоя кундулик ҳаётда намоён бўлаяпти. Келажакни меҳнатда эмас, билимда қўра бошлаганлар сони ортапти.

Бу ўзгаришларни таълим тизимининг энг илк бўғини — мактабга таълимдан бошлаб ҳис этиш мумкин. Бугун

болаларнинг 70 фоиздан ортиги боғча таълими билан қамраб олинган. Охирги 7 йилда мактабга ва мактаб таълими учун маблаг 7 баробар оширилган. Бу жамиятда содир бўлаётган катта бурилишлардан далолатдир.

Илгари қишлоқ боласи эрталаб мол ортидан чиқиб, кечқурун чарчоқ билан уйга қайтарди. Бобо ва момонинг эртаги билан ўсарди, мактабга алифбони билмай кирарди. Оқибатда билимда узилиш, дунёқарашда торлик юзага келарди. Бугун эса ҳатто чекка ҳудудларда ҳам давлат ва хусусий боғчалар очилди, болалар 3-4 ёшидан хорижий тиллар, замонавий кўникмаларни ўзлаштирмоқда.

Шу асосий кўприк орқали уларнинг орзуси бошқа воқеликка айланмоқда. Ҳар бир болага имконият яратиш орқали нафақат унинг, балки бутун мамлакат тақдирини ўзгартириш ғояси илгари сурилмоқда.

Бугунги кунда юртимизда университетлар кўпайиб, замонавий таълим масканлари сони ортиб бормоқда. Илгаригидек “порасиз кира олмайд”, деган тушунчалар ортида қолди. Таълим тенг ҳуқуқ, очиклик, шаффофлик масканига айланди.

Болалар халқаро фан олимпиадаларида иштирок этиб, юртимиз байрогини баланд кўтармоқда. Уларнинг ютуқлари фақат мактаб ёзилмаган натижа эмас — бошқаларга ҳам руҳий таянч бўлаяпти.



Китобхонлик маданияти қайта тикланмоқда, дебатлар, интерактив ўқитиш усуллари таълими инсон марказида қўраётган тизимни яратмоқда.

Таълим — шунчаки дарс эмас. У инсон тафаккурини ўйғотувчи куч, ўзлигини англашга етакловчи нурдир. Таълим болага ёзишни, ҳисоблашни эмас, балки ўйлашни, шубҳаланишни, сўнгра ишонини ўргатади. Таълим бор жойда тенглик бор. Таълим бор жойда имконият бор. Энг муҳими, таълим бор жойда адолат бор.

Болаларнинг илмга муносабати ва уларга яратиб берилаётган имкониятлар орқали жамиятнинг фаровонлиги, маданияти ва маънавий етуқлиги шаклланади. Ҳар бир бола мактабга таълимдан бошлаб етарли тарбия ва замонавий билим олса, у эли иқтидорига ишонган, мустақил фикрлайдиган, ватанпарвар фуқаро бўлиб етишади. Бу эса фақат бир оила, бир инсон тақдирига эмас, бутун миллат тақдирига таъсир кўрсатади.

Бугун таълим соҳасидаги ислохотлар ёш авлоднинг руҳий-маънавий пойдеворини яратишга хизмат қилмоқда. Қишлоқдаги боғчадан тортиб, халқаро университетларгача йўл очилаётган экан, бу давлатнинг келажакка инвестицияси, миллатнинг ўз фарзандига ишончи, энг муҳими, инсон қадрига эътирофидир.

Болаларга берилаётган ҳар бир дарс, ҳар бир руҳий тарбия миллатнинг эртанги тараққиёти, мустақиллиги ва барқарорлиги учун асос яратди. Шу боис, ҳар бир жамият ўз келажagini фақат ва фақат болаларнинг бугунги таълим билан таъминланганини қўриши, улар орқали ўз бахти ва муваффақиятини қўриши зарур.

Шунинг учун бугун таълимга қаратаётган эътиборимиз орқали биз келажакни, инсонни, миллатни қайта яратяпмиз. Чунки ҳар бир боланинг орзусида бутун жамиятнинг келажаги яшайди.

Сардор ТОЛИБОВЕВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ — МОДДИЙ МАНФААТДОРЛИКДАН УСТУН

Айни пайтда мамлакатимиз тиббиётида чуқур сифат ўзгаришлари ясашга қаратилган савий-ҳаракатлар самарасини юртдошларимиз ўз ҳаёти мисолида сеза бошлади. Буни яқин кунларда ижтимоий тармоқларда тарқалиб, шов-шув бўлган баъзи фикрлар ҳам тасдиқлайди.



Нуриддин НУРИТДИНОВ,
“НАУАТ” клиникаси раҳбари,
тиббиёт фанлари доктори

Биринчи мисол. Бир юртдошимиз бундай ёзаяпти: “Яқинда бўлган воқеа: 103 қақиргандим, биринчи тиббий ёрдам кўрсатгандан кейин планшетдаги махсус иловага барча маълумотни киритди. Эртаси куни маҳалладаги поликлиникадан кўнғироқ қилиб, ҳол-аҳвол сўрашди... Утган ҳафта бир хусусий шифохонада даволангандик. Уйга қайтганимизнинг эртасига кўнғироқ қилиб, соғлигимиз билан қизиқишди. Тиббиёт соҳасида нимадир ўзгариш бўлиб мен беҳабар қолиб кетдимми ёки бу одатий ҳолми?”.

Ҳа, илгари бундай бўлмаган, беморнинг тиббиёт дафтари ҳам, касалик варақаси ҳам, барча ташхис маълумотлари кўринган жойида қолиб кетган. Тузалгунича шифокор ёзиб берган дори-дармонини ичган, уколни олган, тамом. Келгуси сафар оғриб қолганида яна ҳаммасини бошидан бошлашга тўғри келган. Энди барчаси буткул бошқача: беморга тааллуқли ҳамма маълумот икир-чикригача махсус дастурга киритилади. Хаста мамлакатимиздаги қайси шифохонага бормасин, касалик тарихи мутахасссига яққол кўринади. Бу муолажа ишларини ҳам жуда осонлаштиради. Оилавий шифокорларнинг кўнғироқ қилиб, ҳол-аҳвол сўрагани эса тиббиёт-чиларимизда касбий малака билан бирга беморлар билан мулоқот қилиш маданияти, керак бўлса, руҳий қўллаб-қувватлов кўникмаси ҳам ошиб бораётганини кўрсатади.

“Давлатимиз раҳбари тизимни тўлиқ рақамлаштириш, “электрон рецепт”, “электрон поликлиника”, “электрон шифохона” платформаларини амалиётга жорий этиш ҳақида ҳам жиддий топшириқлар берди. Бу бўйича биз ҳам изчил ишляпмиз. Мижозларга тегишли тиббий маълумотларни яхлит дастурда жамлаб, барча ихтисосликдаги шифокор ва мутахасссларга онлайн кўринадиган шаклда жойлаштирганмиз. Бу билан тўхтаб қолмаймиз, албатта.

Иккинчи мисол. “Ўзбекистондаги тиббиётнинг АҚШдагидан бир устун жиҳати бор. Исталган малакали шифокор керак бўлса, ўша куннинг ўзида топиб, кўринса бўлади. АҚШда қабулга ёзилгандан кейин ҳафталаб, ойлаб навбат кутиш керак”, деб ёзади яна бир ватандошимиз. Демак, айтилган гаплар айтилган жойда қолиб кетаётгани йўқ. Вазифалар ижрога қаратилиб, оддий одамлар ҳаётида акс эта бошлаган. Аслида, шундай бўлиши керак. Чунки бугунги савий-ҳаракатлар Ўзбекистонни Марказий Осиёнинг тиббиёт хабиға айлантиришга қаратилган.

Шу йил 7 май кўни Президентимиз раислигида тиббиётнинг бирламчи бўғини ва ихтисослашган муассасаларда хизматлари истеъмолини тартибга солиш ҳамда

тиббий таълими такомиллаштириш бўйича устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида аҳоли саломатлигини сақлаш ва мустақкамлашга доир ҳал қилувчи вазифалар белгиланди. Хусусан, “Тиббиётда 90 кунлик ўзгаришлар” дастури бошланиши эълон қилинди. Бу жараёнда тиббий хизмат сифатини таъминлаш билан бирга кутиш жойларида қўлай ўриндиқларни кўпайтириб, навбатни тартибга келтириш, “она-бола” хоналарини ташкил қилиш, ногиронлиги борлар эркин ҳаракатланиши учун кириш-чиқиш жойлари, хона ва йўлақларда инклюзив муҳит яратиш зарурлиги ўқтирилди. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, бундай савий-ҳаракатлар тиббиёт муассасасига маданият, тартиб-интизом, фойз олиб кириб, одамларга ижобий кайфият улашади.

“Тиббиётда 90 кунлик ўзгаришлар” дастурини давлат тиббиёт муассасалари қатори хусусий клиникалар, жумладан, “НАУАТ” клиникаси жамоаси ҳам катта масъулият билан қабул қилди. Чунки молиялаштириш манбалари турлича бўлгани билан мижозимиз ягона — бу халқимиз. Юртдошларимизга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, саломатлигини мустақкамлаш, турли касалликларга чалинишининг олдини олиш биз учун моддий манфаатдорликдан юқори туради. Шу боис,



тажрибасида ўзини буткул оқлаган. Шу боис, давлатимиз раҳбари тиббиёт ҳодимларининг маошини қўтариш орқали тиббий хизмат сифати ҳамда соҳа ҳодимларининг аҳоли саломатлигига масъулиятини янада оширишни назарда тутмоқда. Бу биз учун ҳам ўрганишга аризулик ўзига хос тажриба. КРП тизимини жорий этиш орқали клиникамиз мижозларига сифатли ва самарали хизмат кўрсатишга интиламиз. Чунки ҳалол хизматидан манфаатдорлиги ошгани сари шифокор ва ҳамшираларнинг ишга муносабати ҳам бошқача бўлади. Ҳар бир беморга алоҳида эътибор қаратади ва саломатлиги учун астойдил қайғуради.

Давлатимиз раҳбари тизимни тўлиқ рақамлаштириш, “электрон рецепт”, “электрон поликлиника”, “электрон шифохона” платформаларини амалиётга жорий этиш ҳақида ҳам жиддий топшириқлар берди. Бу бўйича биз ҳам изчил ишляпмиз. Мижозларга тегишли тиббий маълумотларни яхлит дастурда жамлаб, барча ихтисосликдаги шифокор ва мутахасссларга онлайн кўринадиган шаклда жойлаштирганмиз. Бу билан тўхтаб қолмаймиз, албатта. Клиникамиздаги маълумотлар базасини давлат тиббиёт муассасаларининг электрон базаси билан интеграция қилиш бўйича жиддий қадамлар қўйганмиз.

Бу савий-ҳаракатларимизнинг барчаси халқимиз саломатлигини асраб-авайлаш ва мустақкамлаш йўлидаги умуммиллий ҳаракатга ҳисса қўишга қаратилган.

тадқиқотлар ва шифокорлар маслаҳатини ўз ичига олади. Дастур эркаклар, аёллар ва болалар учун алоҳида мўлжалланган ва ёш кўрсаткичлари ҳам инобатга олинган. Масалан, 30+, 40+, 50+, 60+ дастури бўйича ишляймиз. Бу дастур махсус чегирма асосида қўллаб келинмоқда. Керакли текширув натижалари чиққанидан сўнг беморлар билан индивидуал суҳбатлашиб, келгуси 5-10 йилда бўлиш хавфини олдиндан олишга ҳаракат қилаямиз. Айрим оғир турдаги, жумладан, йўғон ичак саратони каби касалликлар борки, кўпинча охириг босқичда маълум бўлади. Бироқ инсон вақти-вақти билан тегишли колоноскопия текширувидан ўтиб турса, эрта босқичда аниқлаб, бартараф этиш мумкин.

ЯШНАЁТГАН ҚАШҚАДАРЁ:
ФАРОВОНЛИК САРИ

Сайёра ТЎЙЧИЕВА,
фалсафа фанлари доктори,
профессор

Бошланиши 1-бетда

Самарқанд калом илми мактабининг билимдон тарғиботчиси, машҳур жаҳон мутафаккири Абу Муин Насафий, Евроосиёнинг йигирма етти давлатида адлу имон тамойилини ўрнатган, бошқарув ва ҳарбий бошқарув санъати асосчиси музаффар Соҳибқирон Амир Темур Ватани.

Испан элчиси жаноб Клавихонинг “Самарқандга саёҳат” кундалик асарида таъкидланган, ҳазрат Соҳибқирон онасида атаб 24 йил давомида қўрдирган (1380-1404) муаззам Оксаройнинг пештоқларида “Агар бизнинг шон-шухратимизга шубҳа қилсангиз, биз қўрдирган иморатларга боқинг”, деган пурҳикмат сўзлари бугун улкан қурилишлар майдонига айланган янги Ўзбекистоннинг қад ростлаётган янги иншоотларидан мужда бергандек гўё.

“Яшнагай тоабад илму фан ижод”, деб файласуфона башорат қилган Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоирининг дунё сўз сафалари тани бериб ўқитган энг нодир шеърлари меҳнаткаш воҳанинг оддий, камтарин, танти инсонларига бағишлангани кундек аён.

Яшил шаҳрим —
Шаҳрисабз

Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон маҳаллалари уюмаси, “Маърифат” тарғиботчилар жамиятининг “Бир Ватан — бир мақсад” лойиҳаси доирасида таниқли олимлар, шоиру ёзувчилар, маданият ва санъат фидойилари сафида азим Қашқадарё заминига йўл олдик. Сафаримиз Шаҳрисабз туманининг Мевазор маҳалласидан бошланди.

Ораста ва гулга бурканган маҳалла маркази ўтган йили ишга туширилган. Обрули маҳалла. Сабаби, 6500 киши яшайдиган ҳудуд оқсоқоллари, оқила аёллари ҳар бир оилани, ҳар бир фарзандни доимий меҳр ва ардоқда кўради. Кейинги бир йилда бирорта ажрашиш ёки жиноят қузатилмаган.

— Аёлнинг бахти оиласи, маҳалласи тинчлигида бўлади. Кўнгли тинч аёл болалари, уй эгасининг хизматидан огринмайди, — дея сўз бошлайди хотин-қизлар фаоли Шохистахон Имомова. — Яхши одатимиз бор: энг кўп китоб ўқиган, фарзандлари ютуқларга эришган, ҳовлисини тоза тутган, энг саранжом, ҳовлиси ва кўчаларида дарахт, гул кўкартирган оилала.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz (71) 233-47-05



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулбаҳор Эркүлова соҳир овозда мақомни авж пардаларда куйлай бошлайди. Қатор мақом усталари давом эттиради. Отахону онахонлар, зебо келинлар, гулчеҳра қизлар рақслари назму шеър байрамига оро беради.

Мираки мўъжизаси

Ҳисор тоғ ёнбағирларида жойлашган, Оқсув дарёсининг икки қирғоғи чаман очилган ранг-баранг гуллар билан қопланган йўлақлар сари борар эканмиз, бу оромгоҳ, мўъжизанинг кечагина ташландиқ майдон бўлганини, ҳар ким ўз ҳолича фойдалангани, шох-шабба, ёввойи табиат ҳолидаги манзара бўлганига ишонгимиз келмасди. Салкам ўн километрлик бу яшил йўлакда пиеда ёки велосипедада айланиш имкони борлиги, ён-атроф эса кўзни қувонтирар даражада чиройли безатилгани, болалар майдончалари, нурунийлар маскани, оилавий меҳмон уйлари ҳақиқий дам олиш учун нихоятда дид билан безатилгани диққатимизни тортди. Ота-оналари, ака-укалари, бутун оиласи билан дам олгани келган бухоролик, хоразмлик, қорақалпоғистонлик элдошларни кўриб, “Мираки” яхлит туризм маскани бунёдкорлари меҳнатига ҳурматимиз ошди.

“Miraki and spa resort” дам олиш ҳудудида жойлашган меҳмонхонадаги қулайликлар, коммуникация, дам олувчиларга яратилган шaroитлар юқори сифатга эга. 300 ўринли оилавий хостелларда яшаш учун ҳамма имконият бор — ўчоқдан тандиргача, кичик сув ҳавзасидан духоба кўрпачалар тўйшалган сўйиларгача, электрдан сувгача, ҳатто болалар майдончаларигача. Алоҳида шaroитларга, шарқираган дарёнинг зилол сувларида мириқиб чўмилаетган болаларга боқиб, йил бўйи меҳнат қилиб, бутун завқ билан дам олаётган юртдошларимиз кўзидagi қувонч — бошқача, ҳузурли.

Айниқса, бу масканга келиш учун самолёт, поезд, машина йўли қулайлиги, теп-текис дафтарнинг бетидай ярақлаб турган асфальт кўчалар, ҳар икки томондаги овқатланиш, машиш хизмат, кўнгилочар бекатларни кўриб, қишин-ёзин дам олишга келаетган ўзбекистонлик ва хориқлик меҳмонлар аяям кўпайишига ишонч ҳосил қилдик. Бу юзлаб ёшларнинг доимий иш ўрнига эга бўлиши, оилалар даромадига барака олиб кириши билан янада қувонарли.

Денгиз сатҳидан 2700 метр баландликдаги ажойиб бўстонга Ҳисорак сув омборига туташ ҳудудда барпо этилган икки

километрлик дор йўли орқали чиқилади. Ўзбек ва Европа таомлари уйғунлигидаги емакхоналар, кичик дам олиш зоналари, зийнатли ландшафтлар кишига завқ бағишлайди. Илгари бундай масканларни Европада кўрган, эшитган бўлсак, инсон қўли билан барпо этилган “Мираки мўъжизаси”ни Ўзбекистоннинг Швейцарияси деб атагимиз келди.

Чўл қўйнидаги
жannатмонанд жой

Шаҳрисабздан салкам икки соатлик йўлда жойлашган навқирон Кўкдала туманига борган одам чўл бағрида ястанган бепоеён яйловлар, қуюқ дарахтзорлар, серҳосил полиз майдонлари оша юриб-юриб, чўл бағридаги жannатмонанд жойга кириб қолгандек ҳис этаркан ўзини. Бу ердаги бир-бирига ўрин бермай гурқираб ўсаётган митти гуллар ранг-баранглиги, кичик фавворалар, яшил ва кўнгил тусдаги шаклдор йўлақларни кўриб, сафдаги аскарлардек қатор турган сарвақд манзарали дарахтлар, кўзни қамаштирган кўп қаватли уйлар, Еттитом қўйнидаги Янги Ўзбекистон массиви манзараси инсон онг-тафаккури, меҳнати ва фидойилиги қисқа муддат — уч йилда мўъжизалар яратишга ёрқин далолатдек гўё.

Муҳташам санъат саройи 255 ўринга эга томоша зали, махсус овоз эшиш студияси, барча замонавий чолу асбоблари, мукамал истиш ва совитиш мосламалари билан тўлиқ таъминланган. Киришда Ўзбек санъати даргалари, жадид маърифатпарварлари илмий-маърифий ижодида дарақ берувчи ёрқин фотосуратлар, замонавий Ўзбек ва хориқ адабиётидан иборат кутубхона бор.

Янги сарой ҳовлисидa суҳбатчимиз бошланади. Туман нурунийлар кенгаши раиси Қўрбонназар Жумаев “Илгари оддий бир ҳужжат (маълумотнома) учун ҳам Чироқчига бориб келишга тўғри келарди. Касал бўлсак, умримиз Чироқчи йўлида ўтарди. Ҳозир марказда ярим соатда ишимиз битади. Тошкент шифохоналаридан қилинмайдиган марказий кўп тармоқли шифохонамиз, оилавий поликлиникаларимиз, замонавий мактаб ва мактабгача таълим ташкилотларимиз барча зарур инфратузилма қулайликларига эга. Хокимликда жойлашган “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази комплекс шаклдаги дастурий тизим орқали 55 та дахлдор ташкилотнинг барча маълумоти билан интеграция қилинган. Нурунийларнинг ҳар бири маҳалла фаоллари билан бирга барча ишда бош-қош. Ўндан ортққ набирам

билан кутубхонадаги китоблардан олиб ўқиймиз ва албатта, маҳалла оқсоқоллари билан бирга китоб, мутлоанинг фойдаси беҳисоб эканини ёшларга тушунтиришга ҳаракат қиламиз”, дейди. Оқсоқолнинг самимий сўзларига бошқалар ҳам қўшилиди.



Кечки маънавий-маърифий тадбирда иштирок этган Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори, Бўзтов фестивали ғолибаси Жасмина Шералиева замонавий қўшиқчилик асосида миллий қадриятлар ўрни ҳақида дилдан сўзлайди. “Ошиқ Гаурий ва Шохсанам” достонидан парча кўрайди. Яна бир ёш ижодкор, иқтидорли ҳофиза Мафтуна Асадуллаева мазкур санъат саройида рубоб, дутор, доира, чанг ва ғнж-жақ сирларини маҳорат билан ўрганаётган укалари, мактабдошларини таърифлайди.

“Энди бизнинг ҳам тадбирлар ўтказадиган чиройли жойимиз, ёшлар билан йиғилиб, баҳс-мунозара, танловлар ташкил этиш имкониятимиз бор. Келгусида Ўлмас Санджонов, Насиба Сатторова сингари машҳур ҳофиз бўлиб, Кўкдалани дунёга танитамиз”, деб ният қилади. Унинг дилкаш изҳорлари Ботир Зокиров номидаги миллий эстрада институти профессори, Ўзбекистон халқ артисти Мансур Тошматовнинг жарангдор қўшиқларига уланиб кетади.

Кўкдала осмонидa юлдузлар милтираб ёна бошлайди, ўткир чироқлар ярқираб, янги сарой ҳовлисини баралла ёритади.

GAZETA.DG.MATERIALLARNI LOTIN E.ZUVIGA
ASOSLANGAN ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ
УЧУН MAЗKYP QR-KODNI SKANEP ҚИЛИНГ.

Пойтахтлик ва кўкдалалик ижодкорлар иштирокидаги ҳақиқий санъат байрами бошланади...

Академик ўқиган мактаб

Мирзо Бедилнинг “Илм инсоният гавҳаридир” деган ҳикмати илмни қадрлаганларнинг ҳаёт йўлида йўлчируқ бўлиб порлаб туради. Илмий-маърифий имкониятлар болаларимиз тафаккурда бебаҳо қадрият сифатида шаклланиб туриб, келажакни ёрқин кўра олмастимиз бор гап.

Чироқчи туманидаги 1-мактаб ҳузурида Фанлар академияси академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Қаландар Абдурахмонов номидаги “Инсон капитали ва сунъий интеллект” илмий мактаби очилган. Таниқли олим раҳбарлигида мактаб етарли даражада компьютерлар жамланмаси, илмий ва бадий адабиётлар, керакли жиҳоз ва ускуналар билан таъминланган. Бу иқтидорли ўқитувчи ва ўқувчиларни рағбатлантириш, янги иқтисодий дастурларни етказиб бериш, истейдодли ёшларни халқаро танловларга тайёрлаш борасида муҳим аҳамиятга эга.

Ёшларга яратилаётган шароит энг нодир капитал — янги кашфиётларга йўлланма беради, воҳада Қаландар Абдурахмоновдек академиклар воғта етишишга мустаҳкам замин яратади. Зеро, муқаддас китобларда нақл қилинганидек, “Яхшиликнинг муқофоти яхшиликдир”.

Меҳру ардоқ дийдори

Яккабоғ туманида жойлашган вилоят ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказидagi учрашувларимиз кекса ва ногиронлиги бор отахон-оналаримизнинг юртимиздаги ислохотлар, юртдошларимиз, хусусан, қарияларимизга берилган эътиборга шукроналик изҳорлари билан давом этди. Марказда 130 юртдошимиз яшайди, доволанади. Уларга барча қўлайлик, ижтимоий шароит яратиб берилган.

Алпча йилдан бери ушбу марказда яшаётган Қудрат ота Турсуновнинг “Аждодлар садоси”, “Ҳар ҳолатда яшаш зарур” китоблари нафақат бу ерда яшаётганлар, балки марказ ходимлари орасида ҳам машҳур. Бири китоб ёзаётган, бошқаси сурат чизаётган, тикувчилик, косиблик, устачилик билан шугулланаётганларнинг ҳаётга муҳаббати, атрофда уларни ардоқ билан парваришлаётган оқ халатли ходимларнинг савобли меҳнати ҳақида Яккабоғ тумани ҳокими Лутфиддин Абдуллаев бундай дейди: “Туманимиздаги барча байрам, арафаю ҳайит мана шу марказдаги



азизларни йўқлашдан бошланади. Яккабоғ одамлари — мард, биз меҳрга, ахшиликка мушток кекса ва ногиронлиги бор азизларимизга қанча меҳр берсак, шунча ишимизда ривожланиш бўлади. Зотан, инсон меҳри, инсон юраги ардоқлансагина ҳаёт янада гўзал кўринади”.

Биз борган давраларда янги Ўзбекистондаги ислохотлар учун қашқадарёликларнинг шукронасини кўрдик, сидқидилдан дуоларини тингладик. Инсоннинг дилидан жой олган ният, ушайиши керак бўлган орзу қачон тилга чиқади? Танти юртдошларимиз бу ҳикматли сўзларни нурда изҳор қилади. Дуода гап кўп. Қайси жойда эзгу ишга киришилса, унинг олдида ёши улуг инсонлар дуоси олинади.

Яккабоғлик 87 ёшли Абдуллажон ота Зокировнинг дуоларида, аввалло, орта тинчлик, фаровонлик истаклари янгради, Қашқадарёдаги ислохотларга камарбаста инсонларга омонлик, зафар ва муваффақият сўралди.

Чин дилдан ихлос билан қилинган дуолар ҳаммаша ижобат топқусидир!

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Ўза яқуни — 22:50 Топширилди — 00:05